

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

206 Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил
3 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2541-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги ПФ-4702-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2013 йил 28 ноябрдаги 62-мх, 52 ва 109-сон қарори (рўйхат рақами 2541, 2013 йил 26 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 701-модда) билан тасдиқланган Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазири**

Х. МИРЗАХИДОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 15 апрель,
17-04-сон

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2016 йил 15 апрель,
113-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 15 апрель,
26-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ахборот технологиялари ва коммуникацияла-
рини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт
вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2016 йил
15 апрелдаги 17-04, 113, 26-сон қарорига
ИЛОВА

**Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг
миллий реестри тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Муқаддима қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 сентябрдаги ПҚ–2042-сон «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 апрелдаги 87-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестрини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.».

2. 5-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси (бундан буён матнда Давлат қўмитаси деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 6, 8-бандлар ва 29-банднинг биринчи хатбошидаги «Давлат қўмитаси» деган сўзлар «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин.

4. 7-банддаги «Давлат қўмитасига» деган сўзлар «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин.

5. 11-бандда:

биринчи хатбошидаги «Давлат қўмитасига» деган сўзлар «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Давлат қўмитаси» деган сўзлар «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин.

6. 12-бандда:

биринчи хатбошидаги «Давлат қўмитаси» деган сўзлар «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

рус тилидаги матннинг тўртинчи хатбошисидаги «обязан» деган сўз «обязано» деган сўз билан алмаштирилсин.

7. 14-бандда:

биринчи хатбошидаги «Давлат қўмитаси» деган сўзлар «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Давлат қўмитаси» деган сўзлар «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин.

8. 19-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Таълим» деган сўз «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 24-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Бунда кичик тадбиркорлик субъектлари бўлиб ҳисобланган микрофирмалар ва кичик корхоналар божхона тўловлари бўйича имтиёзларни қўллаш мақсадида ариза тақдим этмайдилар.»

10. 27-банднинг учинчи хатбошисидаги «Давлат қўмитасини» деган сўзлар «Вазирликни» деган сўз билан алмаштирилсин.

11. 30-банддаги «Давлат қўмитаси» деган сўзлар «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин.

12. 1 — 3-иловалардаги «М.Ў.» деган аббревиатура «М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки билан келишилган.

*Давлат божхона
қўмитаси раиси*

2016 йил 15 апрель

З. ДУСАНОВ

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

2016 йил 15 апрель

Б. ПАРПИЕВ

Марказий банк раиси

2016 йил 15 апрель

Ф. МУЛЛАЖОНОВ